#Маҳаллабай_ўрганиш

✍️ Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш, бўш иш ўринларини яратиш, маҳаллаларда яшаётган ё аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига амалий кўмак бериш ва уларни камбағалликдан чиқариш мақсадида бандлигини таъминлаш йўналишидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. ✳️ Риштон туманидаги маҳаллаларда ҳам бу борада тизимли ишлар йўлга қўйилган. Туман ҳокими ва сектор раҳбарлари маҳаллалар бўйлаб ўрганишлар ўтказишмоқда ва ҳудудлардаги ёшларни хатловдан ўтказиш ишлари олиб боришмоқда. 🔸 Кеча туман ҳокими тегишли масъуллар билан бирга “Жаҳонобод” маҳалласида айни шу йўналишларда ўрганиш ўтказди. Бундан ташқари маҳалладаги бешлик фаолияти билан яқиндан танишди.

2022-11-12 09:14:15